



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири:
и.ф.н., доц. Р.Б. Исмоилов _____

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ ” _____ 2013 йил

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича битирувчи
МАНСУРОВ ЗОКИРНИНГ**

“АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЯНГИ ИШ
ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
 (“Учкўрғон -ёғ” очик акциядорлик жамияти мисолида)
” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи:

Мансуров Зокир

Илмий раҳбар:

И.ф.н., доцент. Б.Байхонов

Наманган – 2013 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш		3
I-боб.	Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда унинг бандлигини аҳамияти	8
1.1-§	Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари ҳамда уни тартибга солиш	8
1.2-§	Модернизациялаш шароитида меҳнат муносабатларининг ўрни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш йўллари	13
1.3-§	Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли бандлигини таъминлаш	21
II-боб.	“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати	27
2.1-§	Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар	27
2.2-§	“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили	29
2.3-§	Меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари ва меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда бандлик дастурлар	35
III-боб.	Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишларини такомиллаштириш йўллари	41
3.1-§	Аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш йўллари	41
3.2-§	Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиш мезонларини такомиллаштириш ва ҳудудий ахборот тизимларини жорий этиш	44
3.3-§	Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишларининг истиқболи	50
	Хулоса	53
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	56
	Иловалар	

Кириш.

Мавзунинг долзаблиги. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиш ҳисобланади».

Ушбу энг муҳим муаммоларнинг ечими албатта мамлакатда фаолият олиб бораётган корхоналар зиммасига муҳим ва аҳамиятли масъулият юклайди. Чунки корхоналар иш билан бандликни оширишда энг мақбул восита бўла олади. Корхоналарнинг самарали фаолият юритиши корхонада амал қилаётган кадрлар сиёсатига бевосита боғлиқ бўлиб, бу орқали корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми ва корхонанинг кенгайишини амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, муносиб келажагини таъминлаш ва жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторидан жой олишни зарурат қилиб олди.

Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотлар амалга ошириш учун, аҳоли бандлигини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий механизмларини ишлаб чиқилмоқда. Бу борда Ўзбекистон Республикасида минтакалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, аҳолини ўсиши омилларини, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқбол йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шакллари кенг тадбиқ этиш орқали аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш каби вазифаларни бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини ўсишида корхоналарнинг самарали фаолияти жамият иқтисодий ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида корхоналардаги кадрлар сиёсатини инсон омилига қаратилган стратегиясида меҳнатга қодир

хар бир инсон ўз қобилиятларини ўстириш ва ўз меҳнат тарзини таъминлаши учун шароитлар яратиши назарда тутилади.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда кўплаб ёшларимиз олий ўқув юртларини битиришмоқда. Уларни ўз навбатида иш билан таъминлаш ва бандлигини ошириш мақсадида турли меҳнат ярмаркалари уюштирилмоқда. Лекин, шунга қарамай кўплаб битиувчилар ишсиз қолиб кетмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш, муассасаларини етук кадрлар билан таъминлаш ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу мавзунини битирув-малакавий ишига долзарб мавзу сифатида танлаб олинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли бандлигини таъминлаш йўллари, саноат корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда бандликнинг аҳамияти ва бандликни таъминлаш йўллари янада такмиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар, ғоялар ва илмий-амалий тавсиялар Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарларида ўз аксини топган. Бундан ташқари, ушбу долзарб масалани ечишда олимларимиздан Абдурахманов Қ.Х., Ш.Р.Ҳолмўминов, Ишмухамедов А.Э., Шодмонов Ш.Ш., Жумаев Қ.Х. ва бошқалар ўз илмий-тадқиқот ёритиб берганлар. Хорижий олимлардан Мэнкью Н.Г., Dornbush R., Тейлор Ф., Файоль А. каби тадқиқотчи олимларни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мазкур олимларнинг тадқиқотларида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича умумий маълумотлар берилган. Ҳозирги модернизациялаш шароитида ушбу муаммога алоҳида урғу берилганлиги “Учқўрғон-ёғ” АЖ иқтисодиёти учун тўла-тўқис дахлдор бўлиб, битирув малакавий иши мавзусини танлаб олишга асос бўлди.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Битирув малакавий ишининг мақсади ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклифлар тузишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Аҳоли турмуш фаровонлигининг оширишни назарий асослари, ишсизлик турлари ва уларнинг олдини олиш йўллари чуккур ўрганиш;
- «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва унда фаолият олиб бораётган ишчи кучларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Саноат корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари ва унинг истиқболлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг предмети. Аҳоли бандлигини таъминлашда «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари битирув малакавий ишининг предмети ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Наманган вилоятидаги «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамияти битирув малакавий ишининг объектини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида баён этилган аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ҳамда асосий йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишда амалга оширган илмий ишлари, хўжалик юритувчи субъектларда эришилган илғор тажрибалар олинди.

Битирув малакавий ишининг янгилиги. Битирув малакавий ишининг янгилигини белгиловчи жиҳатлар қуйидагилардир:

- Аҳоли турмуш фаровонлигининг оширишни назарий асослари, ишсизлик турлари ва уларнинг олдини олиш йўллари аниыланди;

- «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва унда фаолият олиб бораётган ишчи кучларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этилди;

- «Учқўрғон-ёғ» акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- Саноат корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари ва унинг истиқболлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг ҳажми ва тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби “Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда унинг бандлигини аҳамияти” деб номланиб, унда аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари ҳамда уни тартибга солиш, модернизациялаш шароитида меҳнат муносабатларининг ўрни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш йўллари ҳамда Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида баён этилган.

““Учқўрғон-ёғ” очик акциядорлик жамиятида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати” деб номланган иккинчи бобида ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар, “Учқўрғон-ёғ” очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ҳамда меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари ва меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда бандлик дастурлар келтирилган.

Ишнинг учунчи боби “Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишларини такомиллаштириш йўллари” деб номланиб, аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш йўллари, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиш мезонларини такомиллаштириш ва ҳудудий ахборот тизимларини жорий

этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишларининг истиқболи кўрсатиб ўтилган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот яқунлари бўйича хулосалар ва таклифлар келтирилган.


ЎБОВ. АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА УНИНГ БАНДЛИГИНИ АҲАМИЯТИ

1.1. Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари ҳамда уни тартибга солиш

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллабқувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари уларнинг иш билан таъминланишига боғлиқ. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир.

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда 2-моддасида «Иш билан таъминлаш — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир»—деб, таъриф берилган.

Аҳолини ҳисобга олишнинг амалий эҳтиёжи иш билан таъминлашнинг турларини ажратиб кўрсатиш зарурлигини назарда тутди(1.1-расм).



Манба: Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

1.1-расм. Иш билан таъминлашнинг ажратиб кўрсатилган турлари.

1.1-расмда келтирилган маълумотларни изоҳлайдиган бўлсак, *тўлик иш билан таъминлаш* — бу, касбга оид меҳнат билан таъминланиш бўлиб, у шахсга даромад келтиради ва ўзи ҳамда oilасининг муносиб турмуш кечиришига шароит яратади.

Аҳолининг иш билан *оқилона таъминланиши* ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табiiй) даражаси вужудга келади.

Эркин танланган иш билан таъминлаш шуни назарда тутадик, бунда ўзининг меҳнат қилишга бўлган қобилиятига (иш кучига) эгалик қилиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли. Мазкур тамойил ҳар бир ходимнинг иш танлашида тўғри йўл тутишини, ҳар қандай маъмурий тарзда ишга жалб қилишни тақиклашни кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг юқорида келтириб ўтилган турлари аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи билан иш ўринлари ўртасидаги мувозанатни миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлаш ҳолатини акс эттиради. Бунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун қулай шартшароитлар яратилади.


Бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида меҳнат самарадорлиги ортиб боришига қараб, касбий меҳнат билан таъминланиш даражаси, умуман, мамлакат бўйича қисқариб боради. Бунга сабаб шуки, юқори самарали иқтисодиёт нисбатан камроқ миқдордаги ходимларга мухтож бўлади, шунингдек, аҳолида ижтимоий фойдали меҳнатнинг бошқа турларига қизиқиш ортиши билан унинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжи ҳам камайиб боради.

Иш билан таъминлаш муносабатларини иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар тақозо қилади. Унинг *иқтисодий мазмунини* ходим учун ўз меҳнати билан ўзига муносиб тарзда яшашни таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ёрдам бериш имкониятида ўз ифодасини топади. *Ижтимоий мазмун* шахснинг таркиб топиши ва ривожланишида ифодаланади. *Демографик мазмун* иш билан таъминлаш

аҳолининг ёш ва жинсий хусусиятлари, унинг таркиби ва бошқалар билан боғлиқлигини акс эттиради.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мазмунлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайитириш ва бошқалар.

Ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган аҳолининг иш билан бандлиги сиёсати учта асосий мақсадга эришишни назарда тутди(1.2- расм).



Манба: Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

1.2- расм. Аҳолининг иши билан бандлиги сиёсати

Давлат аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:

- таъсир кўрсатиш объекти бўйича (умумий ва ихтисослашган чора тадбирлар);
- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатиш усуллари қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита (маъмурий) усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш;
- меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;


• билвосита (иқтисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир кўрсатиш турлари:

- пассив таъсир кўрсатиш—иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;

- фаол таъсир кўрсатиш—меҳнат таклифни рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чоратадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ рақобатбардош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар), минтақаларга ёрдам кўрсатиш чоратадбирлари ва шу кабилар.

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартибга солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандлик жамғармаси харажатларини шартли равишда қуйидаги 1.3- расмда белгиланган тўртта йўналиш бўйича қисмларга ажраташ мумкин.



Манба: Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

1.3- расм. Бандлик жамғармаси харажатларини йўналишлари

1.3- расмда ифодаланган қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Ишсизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ муддатли пенсиялар тулаш. Буларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган.

2. Қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни бандлик соҳадаги давлат хизмати учун мажбурий ҳисобланади.

3. Молиявий қўллаб қувватлашга, қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа харажатларга мўлжалланган маблағлар. Айтиб ўтилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар қонун билан кафолатланмаган. Шу билан бирга "молиявий қўллабқувватлаш" моддасига доир харажатларни меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш қабул қилинган.

4. Бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, "Бандлик" ахборот хизмати).

Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандлик жамғармасидан қопланади. Аҳолининг Бандлик жамғармасига бадаллар тўлаши учун суғурта тарифи меҳнат ҳақиға тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллик учун бадаллар тўлашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод қилинади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматиға тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистонда аҳоли бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро амалиётға мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минтақаларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш билан боғлиқ хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан бепул кўрсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг хусусий характердаги нодавлат тузилмалари ҳам ташкил этилишига имкон бермоқда. Булар ходимларни танлаш бўйича тижорат агентликлари, ўқув юртлари хузуридаги муассасалар, диний идоралар хузуридаги ва ҳоказо муассасалардир. Меҳнат биржалари ҳам ишлаб турибди. Тажрибалар кўрсатишича, меҳнат биржалари меҳнат бозорининг тўла маънода тартибга солувчи таъсирчан воситаси бўлиб қолиши мумкин.

1.2. Модернизациялаш шароитида меҳнат муносабатларининг ўрни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш йўллари

Ҳар бир мамлакатнинг меҳнат бозоридаги аҳволи биринчи навбатда, унинг иқтисодиётига бевосита боғлиқ. Иқтисодиётни модернизациялаш меҳнат бозорларига чуқур салбий таъсир кўрсатади. Чунки, янги техника ва технологияларни кириб келиши қўл меҳнатини камайтирибгина қолмай балки, ишсизлик даражасини ортишига ҳам олиб келади.

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантириш бевосита иш билан бандликка боғлиқ.. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номутаносиблик юзага келиши биргина иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиб келмасдан, иқтисодиёт рақобатбардошлигига ҳам путур етказиши. Бундай номутаносиблик оқибатида:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари пасаяди;
- иқтисодиёт таркибида ҳам номутаносибликлар (тармоқ ва ишлаб чиқариш инфраузилмалари ривожланишининг номутаносиблиги) пайдо бўлади;
- ҳудудларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича табақаланиши кучаяди;
- норасмий секторларда тўлиқ бўлмаган ва самарасиз иш билан бандлик кўлами кенгаяди;

- давлат бюджети ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш тизимида сарф-харажатлар ортади;

- меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кучаяди.

Инсон ривожланиш концепцияси нуқтаи назаридан иш билан бандлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инсон меҳнат фаолиятини амалга оширар экан, мутаносиб турмуш кечириш учун даромад олади. Бу даромад эса, инсонга фақат ўз салоҳиятини намоён этишни таъминлабгина қолмасдан, инсон капитали-таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига шахсий инвестициялар киритиш имконини ҳам беради. Айни пайтда бевосита меҳнат фаолияти иш билан банд ҳар бир кишига ўзи томонидан жамғарилган инсон капиталини ижтимоий ишлаб чиқаришга сарф этишга хизмат қилади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омилдир.

Меҳнат бозор номутаносиблиги яширин ишсизлик ортади, меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ортиқча бўлганлиги сабабли унинг қиймати пасайишида ўз ифодасини топади. Бу эса, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Аҳоли умумий таркибида кам таъминланган тоифалар салмоғи кўпаяди, шу билан бирга даромадлар ўртасида табақаланиш кучаяди. Айни пайтда қонун билан муҳофаза этилмаган иш билан бандлик кўламлари ҳам кенгаяди.

Айни шундай салбий оқибатларнинг Ўзбекистонга салбий таъсир ва оқибатларини тез ва чуқур таҳлил қилишни таъминловчи макроиқтисодий мониторинг тизимини яратиш зарурияти туғилган. Шу боис, ҳозирги кунда аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида “Иш ўринларини яратиш дастури”ни амалга ошириш доирасида бажарилган ва бажарилаётган чоратadbирлар тўғрисида йил якунлари бўйича Президентимиз Ислom Каримовнинг маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозори самарали фаолият олиб бориш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

- меҳнат бозорида ишчи кучини сифати ва рақобатбардошлигини ошириш. Бу эса, меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни ҳаётий заруриятга айлантирилади.

- аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касанкчиликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари учун иш ўринларини квоталаш;

- янги иш ўринлари яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ, кредит имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериш;

- давлат ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоа ишларини ташкил этиш.

Ўзбекистонда давлат ўз зиммасига бош ислохотчи вазифасини олган. Бу бевосита меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишга ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда мамлакатда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олади:

1. Аҳолини иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва тенологик жиҳатдан қайти жиҳозлаш, айниқса, таркибий ўзгариш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш. Бунда, эса аввало, ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитларида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган моиявий

маблағларни оқилони тақсимлаш чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Мамлакат аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳам бир қатор чора-тадбирларини белгилаб, уни амалга оширмоқда. Вазирликнинг бу соҳадаги асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ҳудудлар, иқтисодий тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлар бўйича иш жойлари яратилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

- меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган ҳудудларда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, аҳоли уй-хўжалигини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш жойларни яратишга иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг устувор ажратилишини таъминлаш;

- туман (шаҳар) иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг коллежлар битирувчилари ва муддатли харбий хизматни тугаллаб келганларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ихтисослаштирилган иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш чора-тадбирларини фаоллаштириш;

- мулкчилик ва хўжалик шакли, идоравий бўйсунитдан қатъий назар корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этилишини назорат қилиб бориш ва текшириш.

Мамлакатда янги иш ўринларини яратишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- бозорда рақобатбардош, юксак экапорт салоҳиятига эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарини таъминлайдиган, замонавий, юқори унумли техник жиҳозлар ва технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этишга;

- бозор конъюктурасига тез мослаша оладиган, ишлаб чиқариш ҳажми бўйич унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга, бу корхоналарда

маҳсулот турларини киска муддатда кўпайтириш имконини берадиган мослашувчан технологияларни жорий қилишга;

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишда асосан маҳаллий хом-ашё ва моддий ресурслардан фойдаланишни назарда тутишган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқларида кичик корхоналар ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш ўта муҳим. Бу корхоналарда устувор равишда қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш талаб этилади.

Янги ишчи ўринларни яратиш сиёсати мавжуд иш ўринларини сақлаб туриш сиёсатида тубдан фарқланиши керак. Хусусан, иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлардаги иш ўринларини сақлаб туриш дастурлари ходимлари оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олишган қаратилган чора-тадбирлар сифатида баҳоланиши лозим. Чунки, катта корхоналардаги иқтисодий жихатдан сақлаб қолиниши мақсадига мувофиқ бўлган ҳамда истикболли иш ўринларини сақлаб қолиш янги иш жойлари яратиш учун ажратиладиган маблағларга нисбатан анча кўп маблағ талаб этиди. Шунинг учун ажратиладиган маблағларни бошқа инвесторлар билан биргаликда инвестиция дастурларини қисман молиялаш учун мақсадли йўналтириш юқориноқ самара беради. Бу маблағлар муайян инвестиция дастурлари учун махсус очилган ҳисобварақларига келиб тушиши керак. Ана шу мақсадлар учун сарфланаётган маблағларга солиқ имтиёзлари берилиши, имконият бўлса, улар солиқдан тўлиқ озод этилиши лозим.

Мультипликатив самара берадиган (масалан, автомобилларга хизмат кўрсатадиган таъмирчилар, юк ташувчилар ва ортувчиларни ишга жалб этиш назарда тутилаётган, ҳайдовчилар учун ёки қурилиш ишларига алоқадор бошқа тармоқлада ҳам қўшимча иш ўринларини яратиш имконини берадиган лойиҳалар) лойиҳаларни танлаб олиш жуда муҳим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес режаларида бу кооператив алоқаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Янги иш ўринларини яратиш мақсадида корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатишда қўшимча иш

ўринларини яратиш учун ҳам, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш учун ҳам маблағ ажратилиши кўзда тутилиши керак.

Худудий меҳнат бозори доирасида янги иш ўринларини яратиш бўйича дастурларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари муайян корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки кўрсатиётган хизматнинг истеъмолчиси сифатида майдонга чиқишлари мумкин. Бугунги глобал инқироз шароитларида аниқ бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашнинг энг асосий кафолати у томондан ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплайдиган ҳамда фойданинг ўртача меъёрини шакллантирийдиган нархда сотиб олишдир.

Муайян туман ёки шаҳар микёсида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматларига кафолатли талаб тизимини шакллантириш худудий меҳнат бозорида иш кучига жамланма талаблар ортишига хизмат қилади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти турдош корхоналар, бозор инфратузилмаси корхоналари хизматларидан фойдаланишини разарда тутиши керак. Бунинг натижасида ушбу шериклар ҳам ишчи кучига талабни ошириш имконига эга бўладилар. Қўшимча ишчи ўринлари ташкил этишни бундай механизминини яратиш ва у самарали амал этишинини таъминлаш мазкур дастур амалга оширилаётган худуда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини ошириш, демак, қўшимча иш кучига талабни шакллантиришнинг энг таъсирчан воситасидир.

Жаҳон тажрибаси ишга мухтож аҳоли учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш билан бандликни таъминлашнинг самарали усулларида бири эканлигидан далолат беради. Сўнгги йилларда жамоат ишлари кўламлари кенгйиб бормоқда., улар ишга мухтож аҳолини вақтинчалик иш билан таъминлашда тобора муҳим роль ўйнамоқда.

Биринчидан, янги иш ўринларини яратиш давлат органлари бошқаруви барча бўғинларида бош стратегик вазифа ҳисобланади. Кейинги йиллар амалиёти янги яратилган иш ўринлари дастлабки йилдаёқ тугатилиши ҳоллари учраётганлигидан далолат беради. Бу эса янги иш ўринлари яратиш

билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишга комплекс ёндашилмаганлиги оқибатида. Жойларда кўпроқ микдорий кўрсаткичлар кетидан қувишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу муаммолар қатор бошқарув органлари мутасаддиларида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун билим ва тажриба етишмаётганлигини кўрсатмоқда. Янги иш ўринлари яратишда ҳаёт талабларини ҳисобга олиш зарур.

Иккинчидан, кичик ва хусусий корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими шу кун талабидан орқада қолаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Махсус ташкилотлар томонидан ўтказилган социал тадқиқотлар мамлакат иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллаган ушбу хўжалик юритувчи субъектлар мулк эгаларининг қарийб 90.0 % и ўз корхоналарида ёлланма ходимлар малакасини оширишга эътиборсизлик билан муносабатда бўлаётганликларидан далолат беради. Шу билан бирга сўровлар мулк эгаларининг ўзлари ҳам бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқаришга малакали раҳбарлик қилиш учун ўз билим даражаларини оширишга эътиборсизлик билан қарашаётганини кўрсатмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бошқарув органлари, айниқса, маҳаллий ҳокимият идоралари олий муассасалар билан ҳамкорликда ҳудудларда жойлашган, техника ва иқтисод соҳасига ихтисослашган касб-хунар коллежларида ҳам кичик бизнес раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар, ҳам ёлланма ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича амалий чоралар кўришни талаб этилади.

Бу жиддий муаммога зарур даражада эътибор берилмаслиги туфайли давлат томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар янги ташкил қилинган хусусий корхона раҳбарлари билими даражаси етарли эмаслиги ҳамда тажрибасизлик оқибатида қайтарилмай қолиши, шунингдек, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ҳам обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида малакатда ишчи кучининг рақобатбардошлагини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериш

зарур. Бунинг учун инқирозга қарши чоралар дастури асосида амалга оширилаётган ўзгартиришлар йўналиши ва параметрларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш дастурларини чуқур таҳлил этиш. Зарур ҳолларда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳам талаб этилмоқда.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг реал сектори, айниқса, экспортчи корхоналарни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари тармоғини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини модернизация қилиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат таълим муассасаларида, биринчи навбатда, касб-хунар коллежларида малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг миқдори ва ихтисослик йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бундан касб-хунар коллежларини ҳудудларда жойлаштириш, уларда тайёрланаётган мутахассислар таркиби чуқур таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Умуман, ҳар бир касб-хунар мутахассислар тайёрлашни корхоналар буюртмалари асосида олдиндан шакллантириш пайти келди. Шу билан бирга олий таълим муассасаларида маркетинг бўлимлари мазкур таълим муассасаларида бюджет асосида таълим олган талаба ёшларни бу ўқув юртларини тамомлаганларидан сўнг мақсадли ва манзилли иш билан таъминлашни амалиётган кенгроқ жориш этишлар керак.

Учинчидан, ҳудудлардаги иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари ўз туман ва шаҳар меҳнат ресурсларининг баланси тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлишлари жуда муҳим. Улар ҳудудий меҳнат бозоридаги конъюнктурага қараб ҳамда йил мавсумини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш башоратларини ишлаб чиқишлари ҳам талаб этилмоқда. Бунинг учун бу марказлар биргина ўз туман ва шаҳарлари бўйича эмас, балки қушни ҳудудлар, умуман, Ўзбекистон бўйича ана шундай ишончли маълумотлар билан таъминланиши лозим.

Шунингдек, иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари жаҳон ва минтақавий меҳнат бозоридаги конъюктурадан тезкор хабардор бўлишлари талаб этилмоқда. Улар турли мамлакатлардан ҳар бир ихтисослик ва касб-хунар бўйича ишчи кучига эҳтиёж тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари, фуқаролардан бу хусусида сўровлар тушган ҳолда улар муфассал ахборот беришлар лозим.

Тўртинчидан, меҳнат бозоридаги кескинликни юмшатиш учун ҳам мамлакат ичидаги, ҳам ташқи меҳнат миграцияси муаммоларини қонунчилик йўли билан ҳал этиш пайти келди. Жаҳон меҳнат бозорининг таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат ресурслар четэлларга экспорт қилиниши учун зарур малака ва тажрибага эга. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ушбу йўналишда катта ташкилий ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаган ҳолда меҳнат миграциясини тарибга солишда қатор муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатиш керак. Бу, айниқса, мамлакатимиз фуқаролари ўз ташаббуслари билан чет элларда ишлаш учун боришлари сабабли уларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари кескинлашишига олиб келмоқда.

1.3. Миллий иқтисодий ривожлантиришда аҳоли бандлигини таъминлаш

Аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми меҳнат ресурслари ҳисобланади. Уларга 15 га кирган ўсмирлар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 16-60 ёшгача бўлган эркаклар ҳамда пенсия ёшидаги меҳнатга қобилиятли фуқаролар киради. Шу масала «Меҳнат кодексида» (1.04.96 йил) «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (1.05.98 йил) қонунда батафсил ёритилган. Меҳнат ресурсларининг (11998,9 минг) аксарият қисми қишлоқда ишламоқда. Улар жуда катта аҳамият касб этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга аҳолини иш

билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳамда бир қанча қарор ва фармонлар эълон қилингани ва улар асосида кўрилатган чора-тадбирлар яққол далилдир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва яхши фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш, агросаноат интеграциясини амалга оширишни ривожлантиришга эришиш лозим. Бунинг учун турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш орқали янги иш жойларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда кўшма корхоналарни, кичик корхоналарни, цехларни ташкил этишга уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Улар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши зарур.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш учун, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини оқилона таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш лозим бўлиб, бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, эҳтиёжларини қондириши, турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон аҳолисининг Ишга лаёқатли ва аҳолининг иқтисодиёт билан банд бўлганлар сонини келтириш мумкин(2.7-жадвал)

2.7-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ишга лаёқатли ва иқтисодиёт билан банд бўлганлар сонининг ўзгариши

(минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1.	Ишга лаёқатли аҳоли	15219,6	15644,9	16124,5	16507,9	16969,7
2.	Иқтисодиёт билан банд бўлганлар	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11774,7

Манба: Ўз.Р.Давлат Статистика қўмитаси маълумоти

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш авваламбор уларни бандлигини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелда ПҚ-616-сонли Қарори ишлаб чиқилди. Ушбу қарорга асосан:

- иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳисоби методикасига мувофиқ, ишсизлар тизимли равишда ҳисобга олиб борилишини, ишга жойлашишга муҳтожлар, шунингдек мавжуд бўш иш жойлари тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилишини таъминлаш
- ишсизлар, биринчи навбатда ёшлар, хотин-қизлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;
- аҳоли бандлигининг самарали шакллари ривожлантириш, жумладан касаначилик меҳнатини жорий этиш, мустақил иш билан бандлик, шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ҳамда бошқа турдаги иш билан бандликни рағбатлантириш;
- ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилди.

2008 йили аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш масаласини ҳал этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Шу мақсадда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. Янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи эса касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан 2008 йилга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди. Натижада 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда

қайд этилди. Бу борада Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.

2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Саноат корхоналари билан корпорация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади. Бундан ташқари, нефт-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобил саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда биринчи навбатда улар бандлигини таъминлашдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

“2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги 2009 йил 29 октябрдаги 1082-I-сонли Қарори ишлаб чиқилиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан киритилган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш **дастури** тасдиқланди.

Дастурга асосан, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича 950 мингта янги иш ўрни ташкил этиш дастури сўзсиз бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудларда 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш **дастурида** тахмин қилинган кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш. Бунда иш ўринлари сонини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида кўпайтириш, шунингдек янги объектларни ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини таъмирлаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, касаначиликни, хунармандликни ва халқ хунармандчилигини ташкил этиш, қурилиш пудрат ишларини кенгайтириш, шу жумладан қишлоқ жойларда кенгайтириш ҳисобига кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришга эътибор қаратиш назарда тутилган.

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлмиш юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, келгусида 2010 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ижобий ишларни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида” 2010 йил 18 ноябрдаги 188-II-сонли Қарорига

кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати киритган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлаш ҳамда унда келтирилган бир қатор вазифаларни белгилаб олиш назарда тутилган бўлиб, жумладан:

- 2011 йилда Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар ва бандлик йўналишлари бўйича 956,2 мингта янги иш ўрни ташкил этиш дастури сўзсиз бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудларда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида тахмин қилинган кўрсаткичлар бажарилишини таъминласинлар. Бунда иш ўринлари сонини кичик корхоналар ҳамда микрофирмаларда ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик соҳасида кўпайтириш, шунингдек янги объектларни ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини таъмирлаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, фермер хўжаликларини ривожлантириш, касаначиликни, ҳунармандчиликни ва халқ ҳунармандчилигини ташкил этиш, қурилиш пудрат ишларини кенгайтириш, айниқса қишлоқ жойларда кенгайтириш, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришга эътибор қаратиш.

2012 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида ишга лаёқатли аҳолининг 69,4 фоизи иқтисодиёт билан банд бўлганлар ташкил этди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган мақсадга эришиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни нақадар тўғри эканлигини исботламоқда.

П-БОВ. “УЧҚЎРҒОНЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар

Меҳнат ресурсларини прогноз қилишда ва тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

а) Аҳолининг минтақадаги зичлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткични қуйидагича топамиз:

$$A_z = \frac{\sum A}{\sum M} \quad (1)$$

Бу ерда: А-аҳоли сони; М-майдони.

б) Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати:

$$y = \sqrt[n]{\frac{A_n}{A_0}}; \quad (2)$$

Бу ерда: A_0 -режа даври бошидаги аҳоли сони;

A_n -шу даврнинг охиридаги аҳоли сони; n- режалаштириш даври.

в) Меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$M_y = \frac{M_{PD}}{M_{BD}} \quad (3)$$

Бу ерда: M_{PD} -режа давридаги меҳнат унумдорлиги;

M_{BD} -базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

г) Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги ходимларнинг ўртача сонига нисбатан ёки бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сиғимига нисбатан аниқланади. Меҳнат унумдорлиги ходимларнинг ўртача сонига нисбатан аниқлашда ялпи товар ёки реализация қилинган маҳсулот ходимларнинг ўртача сонига бўлинади.

$$I. M_y = \frac{Y(T)(P)}{X}, \quad (4)$$

Меҳнат унумдорлигининг 2-усули маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сиғими кўрсаткичидир:

$$\Pi. M_y = \frac{Я(T)(P)}{Q}, \quad (5) \quad Q\text{-вақт.}$$

Меҳнат ресурсларини режалаштиришда, шунингдек, иш билан таъминланганлик, тўла иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлар сони, ишсизларнинг турлари ва ҳоказо кўрсаткичлардан фойдаланилади. Меҳнат ресурсларини режалаштиришда энг аввало юқоридаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда, меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган ва ишсизларнинг умумий сони тушунилади. Ишчи кучларининг миқдори ва сифати, уларнинг жинси, ёши ва касби, мамлакатнинг иқтисодий имкониятига ва улардан самарали фойдаланилишига кучли таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, уларнинг ўзи ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва хусусияти таъсири остида бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат маҳсулотлари каби товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларига муҳим ўрин ажратилади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби қуйидаги 2.1-жадвалда келтирилган:

2.1-жадвал

Иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини ҳисоблаш жадвали

№	Кўрсаткичлар	Қийматлар
1	Аҳоли – жами	30
	Шу жумладан:	
2	16 ёшга тўлмаганлар ва махсус муассасалардаги шахслар	10
3	Ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар	8
4	Ишчи кучи (А-1-2)	12
	Улардан: ишлаётганлар ёки банд бўлганлар	11,4
	Ишсизлар	0,6

Манба: Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. Тошкент, ТДИУ, 2004 йил

Аҳолини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга – 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда махсус муассасаларда сақланаётган шахслар киради.

Иккинчи гуруҳга – ишлаши мумкин, лекин бир қатор сабабларга кўра ишлашни истамайдиган аҳоли киради. Уларга ўқувчиларни, нафақахўрларни, уйда ишловчиларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ ёки қолган барча аҳоли ишчи кучларини ташкил этиб, ўз навбатида ишлаётганларга ва ишсизларга бўлинади.

Ишлаётган ёки банд бўлган аҳоли деб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига айтилади. Шартли равишда уларнинг таркибига тўлиқсиз иш кунида банд бўлганлар ҳам киритилади.

Ишсизлик даражаси (I_d) иқтисодийда ишчи кучларидан фойдаланиш даражасини ифодалаб, қуйидагича аниқланади:

$$I_d = \frac{I_c (\text{ишсизларсони})}{I_k (\text{ишчикучи})} \cdot 100\% \quad (6)$$

Ишсизлик даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторига киради.

Ишчи кучларига бўлган талаб ва таклиф, агарда бозор воситасида бошқариладиган бўлса, мавжуд ишчи кучлари 100% иш билан таъминланганлигини тасаввур этиш мумкин эмас. Оз даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги иқтисодий кўтарилиш давларида ҳам табиий бир ҳолат деб ҳисобланади.

2.2. “Учқўрғон -ёғ” очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда жамият деб юритилади) Учқўрғон ёғ экстракцияси заводи негизида меҳнат жамоаси аъзоларининг 1994 йил 27 февралдаги умумий йиғилиш қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 1994 йил 25 октябрдаги 664к-ПО буйруғи асосида ташкил этилган.

“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани Қурбоналиев кўча 2-уйда жойлашган. Жамиятнинг асосий вазифаси-бу пул-товар муносабатларини ривожлантириш ва иш-хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларни реализацияси асосида акциядорлар манфаатларини таъминлашдан иборат.

Жамиятда меҳнат фаолиятининг туридан қатъий назар ҳар бир ходимнинг меҳнат даромади жамият натижаларини инобатга олган ҳолда унинг шахсий меҳнат улуши билан аниқланади ҳамда солиқлар билан бошқариб турилади. Ходимларга иш ҳақи тўлашнинг шакли, тизими миқдори, шунингдек, улар қиладиган бошқа хил даромадларни жамият мустақил равишда белгилайди. Меҳнат даромадларининг энг юқори чегараси белгилаб қўйилмайди.

Ижтимоий ривожланиш масалалари, шу жумладан меҳнат, яшаш шароитини ва саломатликни яхшилаш, меҳнат жамоаси аъзоларининг мажбурий суғуртаси кафолатларига оид масалаларни жамият акциядорлари ва маъмурияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этадилар.

Очик акциядорлик жамиятининг фаолият турлари қуйидагилардан:

- Ёғ-мой ишлаб чиқариш, шунингдек ўсимлик ёғи, саломас, совун, маргарин, шрот, шелуха, олеин кислотаси, глицирин ва таркибида ёғ бўлган ўсимликларни қайта ишлаш орқали маҳсулотлар тайёрлаш;
- Доривор ўсимликларни тайёрлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сотиш;
- Тоза экологик технологиялар асосида ишлаб чиқариш чиқиндилари, маҳаллий хом-ашё манбаларидан фойдаланган ҳолда кенг халқ истеъмоли ҳамда шахсий маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- Аҳолига ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга турли усул ва шаклларда пуллик хизмат кўрсатиш;
- Маҳсулотларни сотиб олиш ва тарқатиш бўйича савдо - сотиқ, олиш каби фаолиятни амалга ошириш;

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек чет эл сармоядорларининг мол-мулк интеллектуал мулки ва маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш учун жалб қилиш;

- Ўзбекистон қонунчилиги асосида ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш, экспорт-импорт операцияларини бажариш;

- Ўзига тегишли хўжалик юритиши ҳамда ходимларини ошхона ёки эркин сотув орқали озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда “Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятини Наманган вилоятида фаолият юритаётган кўп тармоқли корхоналар таркибига киритиш билан бир қаторда мазкур жамиятнинг иқтисодий ҳолатини ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқдир(2.2-жадвал).

2.2-жадвал

“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятининг таркиби ва унинг ўзгариш таҳлили.

Баланснинг активи	2011 йил		2012 йил		фарқ		Ўсиш сурати % да
	Минг сўм.	Жамига нисбатан % да	Минг сўм.	Жамига нисбатан % да	Минг сўм.	%	
1. Асосий воситалар ва обаротдан ташқари активлар (қолдиқ баҳода)	3315433	50,8	3468899	47,0	+153466	-3,8	104,6
2. Айланма маблағлар шу жумладан:							
2.1. Захира ва харажат	2887345	44,2	2058589	27,7	-828756	-16,5	-28,7
2.2. Пул маблағлари ҳисоб китоб ва бошқа активлар	317379	5,0	1867474	25,3	+1550095	+20,3	588,4
Жами мулк	6520157	100	7394962	100	874805	-	

Манба: “Учқўрғон - ёғ” ОАЖ ҳисоботи маълумотларидан олинган

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, жамиятнинг 2012 йил бошида асосий воситалар ва обаротдан ташқари активлар миқдори йил охирига бориб 4,6 фоизга ошиш ҳисобидан 3 млрд. 468 млн. 899 минг сўмга тенг бўлди.

Аммо жамиятнинг жами мулкига нисбатан 3,8 фоизга камайган. Бундай ҳолат пул маблағлари ҳисб китоб ва бошқа активларни ортиши ҳисобидан юз берган.

Жамиятда маркетинологларнинг фаолиятини ортиши ҳамда иқтисодчиларнинг саъи ҳаракатлари натижасида захира ва харажатлар митқдори йил охирига келиб, жами мулкка нисбатан 16,5 фоиз, йил бошига нисбатан олганда эса 28,7 фоизга камайишига эришилган.

Пул маблағлари ҳисоб китоб ва бошқа активлар йил охирида йил бошига нисбатан 20,3 фоизга ортган бўлса, жами мулкка нисбатан яқин 6 баробар кўпайганлигини кўриш мумкин.

Энди акциядорлик жамиятининг асосий воситалар бўйича иқтисодий ҳолатини кўриб чиқайлик(2.3-жадвал).

2.3-жадвал

“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятининг асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати%
1	Асосий воситалар қиймати (A_v), минг сўм	4912797	5159435	+246638	105,0
2	Барча активлар (Б), минг сўм	10015329	10805635	+790306	107,9
3	Асосий воситаларнинг эскириш қиймати ($A_{вэс}$), минг сўм	1634491	1927858	+293367	118,0
4	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, минг сўм	3278306	3231577	-46729	98,6

Манба: “Учқўрғон - ёғ” ОАЖ ҳисоботи маълумотларидан олинган

Жадвал натижаларидан кўринадикки, асосий воситалар қиймати жорий 2012 йилда ўтган 2011 йилга нисбатан 5 фоизга кўпайиб, 5 млрд. 159 млн. 435минг сўмга тенг бўлди. Жамият барча активлари қиймати жорий йилда ўтган йилга нисбатан 790 млн. 306 минг сўмга ошган. Худди шу каби асосий воситаларнинг эскириш қиймати ҳам 18 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати эса аксинча ўтган 2011 йилга нисбатан 46 млн. 729 минг сўмга камайиб, 3 млрд. 231 млн. 577 минг сўмни ташкил этди. Албатта бу таҳлиллар кўрсаткичларни ҳажмига нисбатан олинган бўлиб, худди шу кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу ҳисобланмалар акциядорлик жамиятининг иқтисодий фаолиятига янада аниқроқ фикр уйғотишга олиб келади(2.4-жадвал).

2.4-жадвал

“Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	Фарқи (+,-)
1	А _в -нинг умумий активлардаги улуши,% (1қ:2қ)х100, %	49,1	47,7	-1,4
2	А _в -нинг эскириш коэффициенти (3қ:1қ)	0,33	0,37	+0,04
3	А _в -нинг яроқлилиқ коэффициенти (4қ:1қ)	0,67	0,63	-0,04

Манба: “Учқўрғон - ёғ” ОАЖ ҳисоботи маълумотларидан олинган

2.4-жадвал натижаларига кўра, асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши 2011 йилда 49,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1,4 фоизга камайган. Бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий воситаларни тўлиқ қувват билан ишламаганлигидан далолат беради.

Асосий воситаларни эскириш коэффициенти 2011 йилда 0,33 га тенг бўлган, 2012 йилда эса 0,04 бирликка кўпайиб, 0,37 ни ташкил этган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткичнинг меъёри собиқ Иттифок даврида 0,20-0,25 ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бу меъёр 0,30-0,35 оралиқда бўлиши мақсадга мувофиқлиги кузатилмоқда.

Асосий воситаларни яроқлилиқ коэффициенти $\kappa \geq 0,55$ бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, “Учқўрғон - ёғ” очик акциядорлик жамиятида ушбу кўрсаткич меъёр даражасида эканлигидан далолат беради.

“Учқўрғон – ёғ” очик акциядорлик жамиятида ҳозирги кунда 598 ишчи-ходим фаолият юритиб, шундан 512 нафари асосий фаолият билан шуғулланувчилар ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2010 йилга нисбатан олинганда жами ишчи-ходимлар сони 12 фоизга ошди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

“Учқўрғон - ёғ” ОАЖ нинг иқтисодий кўрсаткичлари

№	Иқтисодий кўрсаткичлар	Йиллар			2012 йил 2010 й.га нисбатан, % да
		2010	2011	2012	
1.	Корхона соф фойдаси, минг сўм	1015147	1064988	1094697	105,4
2.	Асосий фаолият билан бандлар сони	479	492	512	107,0
3.	Ишчи куни	129330	135300	138800	107,3
4.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	7,8	7,9	7,9	101,3

Манба: “Учқўрғон - ёғ” ОАЖ ҳисоботи маълумотларидан олинган

Ҳисоб-китоб натижаларига асосан акциядорлик жамиятида асосий фаолият билан шуғулланаётганлар сони 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 7 фоизга ошиб 512 нафарни ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу ишчиларнинг ҳар бири бир кунда корхона соф фойдасига 210 йилда 7,8 минг сўм даромад келтирган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 7,9 сўмга тенг бўлган. Бундай ижобий натижага эришишда “Учқўрғон - ёғ” ОАЖда Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилаётганлигидан деб қараш мумкин.

“Учқўрғон - ёғ” ОАЖда амалга оширилаётган бир қатор ишлар жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июндаги ПК-651-сонли қарори билан тасдиқланган “2007-2011 йиллар даврида Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш” дастурига асосан ва қушимча ишчи ўринларини яратиш борасида янги “Водород Кислород ва Гидрогенизация” цехи ишга туширилиб 50 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Бундан ташқари замон талабига жавоб берадиган қуввати бир йилда 4800 тонна совун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Учқўрғон SOOP экстракт” МЧЖ қурилиши якунланиб ишга туширилди. Ушбу МЧЖ ишга туширилиши муносабати билан қўшимча 50 кишилиқ иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмасининг 2011-2015 йилларга режалаштирилган корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш дастурига асосан 150,0 тонна техник чигитни қайта ишлашга тенг бўлган 3 дона ёғ пресс агрегати ва 4 дона жаровня олиб келиниб ўрнатиш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, техник соламасни сифатини яхшилаш ва таркибидаги глицеринни ажратиб олиш мақсадида суткасига 5 тонна глицерин ишлаб чиқариладиган янги цех қуриб битказилди. Бунинг натижасида ҳам ушбу бўлимда 20 та ишчи ўрин яратилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шараоитида ушбу “Учқўрғон - ёғ” ОАЖда аҳоли бандлигини таъминлашда янги иш ўринларини ташкил этишда корхонада ижобий ишларни амалга оширмоқда.

2.3. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари ва меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда бандлик дастурлар

Ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси аҳолининг иш билан тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражасидир. Ишчи кучи бозори мувозанатлашган бўлса, яъни иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига

мувофиқ келса, бундай ҳолат содир бўлиши мумкин. Шундагина мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ҳаракатга келади.

Ишсизликнинг табиий даражаси ёки тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик даражаларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий миқдор деб ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакатда фрикцион ва таркибий ишсизлик кўлами иқтисодий вазият, меъёрий-ҳуқуқий асослар ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда ишсизликнинг табиий даражаси 6-7% атрофида қабул қилинган бўлсада, бироқ бу фоизлар турли мамлакатлар бўйича тебраниб туриши мумкин.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциали деб аталади. Одатда, маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилиш ҳажми потенциал ишлаб чиқарилиши билан тенг бўлмайди: иқтисодий пасайиш даврида у потенциал ҳажмдан паст, иқтисодий кўтарилишлар даврида, аксинча, барча ишлаб чиқариш омилларидан максимал фойдаланиш натижасида юқори бўлади.

Маҳсулотнинг потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг узилиши ёки орқада қолиши деб аталади. У маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқарилишига нисбатан фоизда акс эттирилади.

Агар, иқтисодий ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолда фаолият кўрсатлаётган бўлса, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси табиий даражасидан юқори бўлса, ЯММ узилиши кўрсаткичи ижобий миқдор бўлади. Лекин, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари максимал даражада ҳаракатга келтирилган бўлса, унда ҳақиқий ишлаб чиқариш потенциал ишлаб чиқаришдан юқори ва узилиш миқдори манфий бўлади.

Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ узилиши шунча кўп бўлади. Ишсизлик даражаси ва ЯММ

узилиши ўртасидаги миқдорий нисбат макроиқтисодий соҳадаги таниқли тадқиқотчи Артур Оукен томонидан аниқланган ва иқтисодий адабиётларда Оукен қонуни сифатида кенг тарқалган. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1% га ошса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 2,5% ни ташкил этади. Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишларини аниқлаш имконини беради:

$$ЯММ_{узилиши} = -2,5(I_{тд} - I_{хд}) \quad (7)$$

Бу ерда $I_{тд}$ Ишсизликнинг табиий даражаси, $I_{хд}$ – Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси

ЯММ нинг пастроқ даражаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятларининг қисқаришини билдиради. Ишсизлик нафақат иқтисодий йўқотишларга олиб келади, балки жамиятга катта ижтимоий зарар ҳам келтиради, айниқса, аҳолининг заиф қатламларига (аёллар, кексалар ва бошқаларга). Узоқ муддат давомида ишсиз юриш оиланинг, шахснинг моддий фаровонлигини ва ижтимоий мавқеининг пасайишига сабаб бўлади. Шу боис, иш билан банд бўлиш учун ишга лаёқатли ҳар қандай ишсиз меҳнат бозорига мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.


Бозор кучлари маълум ҳудудда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги номувофиқликни узоқ, вақт мобайнида камайтира олмайди. Меҳнат бозори сегментларга бўлинганлиги, ишчи кучининг сафарбарлик даражаси пастлиги, ноиқтисодий хусусиятта эга кучларнинг таъсири (одамларнинг муайян ҳудудларга боғланганлиги) бунга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам меҳнат бозорини тартибга солиш унинг самарали фаолият кўрсатишининг зарур шarti ҳисобланади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишчи кучи бозорини тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Вилоятлар ва йирик шаҳарларда вазирликнинг бошқармалари, туманларда эса меҳнат, бандлик ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари фаолият кўрсатади. Мазкур органлар, бошқа бир қатор функциялардан ташқари, ишлаб чиқаришда банд қилинмаган ишчи кучини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ушбу мақсадларга йўналтириладиган харажатлар қисман ижтимоий ҳақ тўланадиган ишлар ҳисобидан қопланиши мумкин. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2012 йилда вазирликнинг маҳаллий органларига ишга жойлашиш масалалари юзасидан 448,2 минг киши мурожаат қилган. Мурожаат қилганларнинг 71,9%, яъни 322,2 минг киши ишга жойлаштирилган. Бўш ишчи кучининг касбий-малакавий таркиби билан унга бўлган талаб таркибининг ўзаро мувофиқлиги турли даражадаги касбий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимлари орқали таъминланади.

Шундай қилиб, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари вақтинча бўш турган ишчи кучини молиявий таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш функцияларини ҳамда бозор функциялари - одамларни иш ўринларига қайта тақсимлаш ва ишга жойлаштириш функцияларини бажаради. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг қуйидаги 2.1-расмда келтирилган йўналишлари фарқланади.



Манба: тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

Мехнат бозорини таҳлилдан ўтказиш бўш иш жойлари ва ишсизларни, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга муҳтож бўлган аҳолининг бошқа табақаларини ҳисобга олиш асосида, ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклифни, аҳоли бандлигининг мавжуд ва истиқболдаги таркибини, хотин-қизлар, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа табақаларининг бандлиги даражасини таҳлилдан ўтказиш ва прогноз қилишни назарда тутди. Бунда бўш иш жойлари ва ишсизлар, шунингдек аҳолининг ҳақ тўланадиган ишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари тўғрисидаги ахборотларга асосланилади.

Аҳолининг бандлиги дастурларини ишлаб чиқиш ишчи кучи бозорини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади. Улар даражасига қараб маҳаллий, минтақавий ва миллий дастурларга бўлинади.

Шаҳар меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда унинг туман бўлимлари ишлаб чиқаришни қайта қуриш муносабати билан ишчиларни бўшатаётган ва маълум касбий-малакавий таркибга мансуб қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезаётган корхона ва ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатадилар. Барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимларига мавжуд бўш иш жойлари, ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилинган барча ишчилар ҳақида маълумот тақдим этишлари лозим.

Мехнат бозорини тартибга солишнинг ахборот таъминоти билан боғлиқ йўналиши ишчи кучига бўлган талаб ва ишга жойлашиш имкониятларига ҳақидаоммавий ахборот воситалари, махсус ахборот материалларини чоп этиш орқали аҳолига маълумот беришни назарда тутди. Мазкур йўналиш шунингдек корхоналарнинг кадрлар хизматлари билан алоқаларни ҳамўз ичига олади.

Касбга йўналтириш, банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари шахсий маслаҳатбериш, касбий ташаш ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотларига мурожаат этган фуқароларни касб-ҳунар таълими тизимига йўллашни назарда тутди.

Ишсизларни ишга жойлаштиришда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари аҳолининг маълум табақаларини устувор равишда ишга жойлаштирилишини таъминлайди, бўш иш жойларини қидиради ва ишсизлар рўйхатига киритилган фуқароларга иш таклиф қилади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун мўлжалланган иш жойлари улушини (квоталарни) белгилайдилар, корхоналар мазкур квоталарни бажаришини назорат қиладилар. Шу билан бирга, бу ташкилотлар ишлаб чиқариши қисқарган ёки зарарга ишлаётган корхоналар тугатилган тақдирда, ишдан бўшатилиши мумкин бўлган меҳнаткашларга ёрдам кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадилар, ҳақ тўланадиган вақтинчалик жамоат ишлари билан таъминлайдилар, ишсизлик бўйича нафақа тўлайдилар. Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари ўз функцияларини бажаришлари учун молиявий манба бўлиб корхоналар ва ташкилотларнинг даромадларидан иш ҳақифондига нисбатан фоизда ҳисобланадиган ажратмалар хизмат қилади (Ўзбекистонда 2003 йили бу норматив 1,5% ни ташкил этли).

Ишчи кучи бозорини тартибга солишнинг халқаро жиҳатлари меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши лозим. Мазкур йўналиш қўшма ва бошқа корхоналарда ишлаш учун чет элдан ишчи кучини жалб қилиш, чет элда ишлашга меҳнат шартномалари тузишда воситачилик қилиш билан боғлиқ.

Ш-БОБ. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш йўллари

Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда,

- уларга солиқ, кредит ва бошқа масалаларида имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда;

- аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди;

- давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.;

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрини ташкил этиш назарда тутилмоқда¹. Бу иш ўринларии янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган

¹ 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури


касаначилилик имкониятларини шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Бундан ташқари кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш аҳолини бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Чунки, келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида “2012 йилда янги корхоналарни ишга туширилиши, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан – 45,6 минг нафар, янги кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан – 81 минг, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан – 88 минг, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларида – 45 минг, касаначилиликнинг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан – 183,4 минг, қишлоқ хўжалигида – 105,5 минг ҳамда фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан – 24,5 минг нафар ишчи иш билан таъминланди”².

Албатта мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун бу борадаги олиб бориладиган ишлар ва белгиланган вазифалар давом этади. Шу маънода олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир(3.1-расм).

² Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент: “O‘qituvchi”НМИУ 2013. – 128 б.



Манба: Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

3.1-расм. Аҳоли бандлигини таъминлашдаги асосий вазифалари

3.1-расмда келтирилган вазифаларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш—иш топишда қийналаётган, ишлашга муҳтож аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларида банд этиш;

- иккинчидан, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш—меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай қолишганда фуқароларни янги ишга жойлашиш имконини берадиган касбларга ўқитиш ва ўргатиш;

- учинчидан, ишловчиларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш—асоссиз оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш, меҳнат қонунчилиги назоратини ўрнатиш;

- тўртинчидан, меҳнат бозорида рақобатдош аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш—касаначилиқни ривожлантириш, квотали иш жойларини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш.

Ушбу келтирилган вазифаларга электрон ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтириш—бўш иш ўринлари ва иш қидирувчилар ҳақидаги маълумотлар банки имкониятларини кенгайтириш вазифасини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

3.2. Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиш мезонларини такомиллаштириш ва ҳудудий ахборот тизимларини жорий этиш

Меҳнат бозорида ҳудудий ахборот тизимларини жорий этиш иқтисодиётнинг ахборот секторини интенсив ривожлантириш жараёнини камраб олади. Шунинг учун ҳудудий даражада иқтисодиётни ахборотлаштиришнинг шаклланиш белгиси ҳисобланади.

Албатта, ҳудудий меҳнат бозорида ахборот тизимларининг яратилиши, авваламбор, маҳаллий электрон, компьютер техникалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни талаб этади. Маҳаллий электрон саноатининг ривожланиши меҳнат бозорида ахборот тизимлари шаклланиши учун зарур жиҳозларни таъминлайди.

Меҳнат бозорида ахборотлаштириш қуйидаги вазифаларни амалга оширишини назарда тутаяди:

- меҳнат бозорини ахборотлаштиришга тайёрлашнинг тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, яъни бу муаммони ҳал этиш учун зарур сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мутахассислар тайёрлаш ва бошқа шу каби шарт-шароитларни яратиш;
- аҳолининг компьютер саводхонлигини таъминлаш, янгича фикрлаш ва ахборот маданиятини шакллантириш;
- хўжалик механизмини такомиллаштириш, ташкилий тузилмалар, бошқарув тартиботларини қайта қуриш, ахборотлаштириш индустриясининг хўжалик механизмини вужудга келтириш, ахборотлаштиришнинг ҳуқуқларини ишлаб чиқиш;
- меҳнат бозорида ахборотларни қабул қилиб олиш ва тарқатиш умумдавлат муҳитини ривожлантириш;

- математик ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш, маълумотлар банкларини ва билимларнинг манбаларини вужудга келтириш;
- ахборотлаштириш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш.

Меҳнат бозори ҳудудий ахборот тизими иш билан бандлик ва меҳнат соҳасида фуқароларни ўз-ўзини ҳимоялашнинг қўллаб-қувватлашини ўз ичига олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотларни сақлаш, норматив актлар ва уларни мустаҳкамлаш ҳақида, уларнинг ижросини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий маслаҳатлар ва ижтимоий-меҳнат муаммоларининг ечими учун зарурий маълумотларни таъминлаши керак.

Ҳудудий ахборот тизимининг зарурий-тузилмавий элементлари бўлиб, ҳудудда кадрлар тайёрлаш тизими ҳақидаги, мавжуд давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари ҳақида, иш берувчилар, уларнинг асосий тавсифи ва ривожланиш тенденциялари ҳақидаги маълумотлар базаси ҳисобланади. Бунда жамоат ишларини лойиҳалари сақланиши ҳам киради.

Таркибий ўзгаришлар шароитида иш билан бандлик сиёсатининг асосий воситаларидан бири ишсизларга ихтисос беришдир. Ишсизларга ихтисослик бериш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқиладиган махсус дастурлар ҳудудий ахборот тизимлари кўмаги билан ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари ёрдамига муҳтож бўлган ва меҳнат бозорида кам рақобатли бўлган ишсизлар категориясини аниқлаш имкониятини тезлаштиради. Меҳнат бозори ҳудудий ахборот тизимида тўпланган ишончли ва тўлиқ ахборотлар бундай ишсизлик муаммоларини ечишнинг энг самарали ёндашувлари асосида ҳал этиш учун имконият яратади.

Ҳозирги кунда меҳнат бозори ахборот тизимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири дастурий ва коммуникацион жиҳатларни такомиллаштиришдир. Дастурий жиҳат дастурлашнинг автоматлаштирилган технологиясини, матнли, тавсирли ва овозли ахборотни қидириш ҳам ўзгартириш учун дастур билан таъминлашни, маълумотлар базаларини

бошқариш тизимлари, эксперт тизимлари ва сунъий интелект, дастурлаш тиллари, қарорлар қабул қилишни қўллаб қувватлашнинг универсал тизимларини, маълумотнинг ташқи базаларида ахборотни тезкор қидириш, сўров тиллари, статистик пакет, матнни қайта ишлаш учун дастур билан таъминлашни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Коммуникацион жиҳат диққат эътиборни қуйидаги компонентларни: телеанжуман алоқа, электрон почта, факс ахборотини ўзатиш, маҳаллий аҳамиятга молик тармоқлар, нутқли почта, ялпи ва минтақавий тармоқларни ривожлантиришга қаратиши лозим.

Иқтисодиётда хусусий сектор ролининг кенгайиши билан алоқадорликда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича агентликлар, нодавлат ихтисослашган меҳнат биржалари ва хусусий воситачи фирмаларнинг яратилиши ҳамда фаолиятлари давомида мақсадга мувофиқ равишда меҳнат бозори ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари маълумотлар банкининг шаклланишида қўшма ҳамкорлик ҳудудий меҳнат бозорида жараёнлар тезлашишининг мутаносиблигини таъминлайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозорида талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича ҳудудий ахборот тизимларини яратилиши бозор алоқаларини шакллантириш, меҳнат бозорида хўжалик субъектлари трансакцион харажатларини камайтириш, тармоқлар бўйича ишчи кучи тақсимланишини оптималлаштириш мақсадида, улар ўртасида интенсив алоқаларни қарор топтириш шарт-шароитларини вужудга келтиради.

Ишчи кучининг қайта тақсимланиши, унинг меҳнат бозоридаги ҳаракатига, бинобарин, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор-сифат жиҳатидан мувофиқликка эришиш кўламларига бевосита таъсир этувчи омиллар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янгича шароитларини шакллантирадиган макроомилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ишсизлик миқёсининг ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш ва

ишсизларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий ҳамкорликнинг уч томонлама механизмини такомиллаштириш;

- мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида меҳнат заҳиралари ва иш жойлари сонининг ҳам сифат, ҳам сони жиҳатидан ўсиш мутаносиблигига эришиш;

- янги тараққий этган тармоқлар ва фаолият турларини ривожлантириш йўли билан янги иш жойларини барпо этиш. Бу тадбирларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигидан бўшаётган ходимларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига, жумладан саноат, кичик ва хусусий бизнес, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга тақсимлашга аҳамият бериш керак бўлади;

- иш билан бандликнинг тармоқ ва профессионал таркибини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида ишсизлик миқёсининг ошиб кетишини олдини олиш ва ниҳоят ялпи маҳсулотнинг қўпайиши учун замин яратади;

- иқтисодиётда оқилона иш билан бандликни таъминлаш;

- меҳнат бозорида рақобат механизмини йўлга қўйиш самарадорлигини ошириш, ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш мазкур механизмнинг асоси бўлиб ҳисобланади;

- самарали ва “эгилувчан” меҳнат бозорини шакллантириш, янги меҳнат бозори инфратузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг касбий ҳаракатчанлигини ошириш, ҳамда меҳнат бозорининг алоҳида сегментларига таъсир кўрсатиш орқали ишсизларда янги касбларга қизиқиш уйғотиш;

- меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш, жамоат ишлари тармоғини кенгайтириш, ишсизларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини ва янги иш жойларини барпо этиш;

- ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.


Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга бўлган талабни рағбатлантиришнинг бирдан-бир воситаси инвестициялар самарадорлигини таъминлашдир. Меҳнатга бўлган талабнинг навбатдаги омили ўзаро бир-бирини тўлдирадиган меҳнат ресурслари билан боғлиқдир. Агар битта станокни ходим бошқарса ва бу хилдаги станоклар нархи ошса, у ҳолда бу станокларда ишлайдиган ишчиларга талаб бошқа тенг шароитларда пасаяди ва аксинча бўлади. Ташкилий жиҳатдан меҳнат бозори ижтимоий институтлар тизими сифатида майдонга чиқар экан, мазкур бозор инфратузилмаси ривожланиши аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишида муҳим ташкилий тузилмалар мажмуи ҳисобланади. Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий мақсадлари меҳнатдан фойдаланиш муаммолари, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир.

Амалиётда аҳолининг оқилона иш билан бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва “меҳнат қобилияти” кишиларининг иқтисодий манфаатларини энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касбий малака тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида “меҳнат қилиш қобилияти”ни бозорда сотиш учун таклиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади³.

Меҳнат бозорининг меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизмини такомиллашмаганлиги меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишига ва бунинг натижаси ўлароқ аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

³ Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш // Дис. ... и.ф.д.- Т.: 1998. -60 б.

Аҳолининг оқилона иш билан бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган янги механизми қуйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим(3.2-расм).



Манба: Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

3.2-расм Аҳоли бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган янги механизми

Ўзбекистонда замонавий меҳнат бозори ҳали таркиб топиш жараёнидадир. У ҳали мезон асосида ўзининг яққол қиёфасига эга бўлиб улгурганича йўқ. Бу жиҳатдан уни биринчи турга интилувчи аралаш меҳнат бозори деб аташ мумкин. Мазкур бозорнинг шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда унинг инфратузилмаси ривожланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; меҳнат бозорининг сифат кўрсаткичларини таъминлаш; аҳолининг иш билан бандлигига оид ахборотлар тизимини такомиллаштириш; кадрларнинг касбий ҳаракатчанлиги ва экспортабеллигини ривожлантириш; ишсизликни камайитириш; малакали меҳнат бозорини шакллантириш ва бошқалар.

3.3 Аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишларининг истиқболи

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини ошириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Бу борада албатта аҳолининг иш билан бандлик масаласи алоҳида ўрин тутади.

2012 йилда ҳам бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилиб, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги ишчи ўринлари яратилгани ушбу соҳадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга таёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани аҳолининг бандлиги масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилди. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан 5 фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. 2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва тақлиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамойилларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

Шунингдек, иш ўринларига бўлган эҳтиёжларга демографик омил сезиларли ва бевосита таъсир ўтказишни давом эттирмоқда. 1985-1990 йилларда туғилиш юқори даражада бўлиб, ўша даврда 37 промиллени ташкил этилгани, яъни ҳозирги вақтдагига нисбатан 1,7 баробар кўп бўлгани

натижасида меҳнатга лаёқатли ёшга кираётган аҳолининг илдам ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда(3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг истиқбол кўрсаткичлари, минг киши

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга нисбатан фарқи, %да
1	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5	105,55
2	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658,0	105,6
3	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1	105,8
4	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9	102,7
5	Ишсизлик даражаси, фоизда	4,8	4,8	4,7	-0,1

Манба:2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013-2015 йилларда меҳнат ресурслари сони 17365,5 минг кишидан 18329,5 минг кишига кўпаяр экан. Бу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 6,1 фоизга кўпаяди ва башорат қилинаётган даврда унинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 74,3 фоиздан 74,5 фоизга ортади.

Истиқболда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ҳам кўпайиши кузатилиб, 2015 йилга келиб 13014,1 минг нафарга етади. Шу билан бирга, башорат қилинаётган даврда ишсизлар сони 626,8 минг кишидан 643,9 минг кишига ортади. Бироқ ишсизлик даражаси 2013 йилдаги 4,8 фоиздан 2015 йилда 4,7 фоизга тушиб камайиши кузатилади.

Демографик ривожланишнинг башорат маълумотларига кўра, мамлакатимиз меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж ортиб боради(3.2-жадвал)

3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж башорати, минг киши

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилни 2013 йилга нисбатан фарқи, %да
1	Янги иш ўринларига эҳтиёж жами	12115,6	1222,6	1275,4	105,3
2	Меҳнат бозорида илк бор иштирок этадиган шахслар сони	575,8	573,3	613,7	106,6
3	Ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли сони	622,0	631,6	643,9	103,5
4	Бошқалар (муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлар)	17,8	17,7	17,8	-

Манба: 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури

3.2-жадвал маълумотларига кўра, 2013 йилда мамлакатимиз меҳнат бозорида иш билан банд бўлиш эҳтиёжи башорат бўйича 1 миллион 215 минг 600 та иш ўрнини ташкил этади. Шундан 575,8 минг нафари—таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун, 622 минг нафари Башорат даврининг бошида банд бўлмаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган ишсиз аҳоли учун. Бунда 150 минг ходим табиий равишда чиқиб кетиши (нафақага чиқиши ва ҳ.к.) муносабати билан бўшатилиши, шунингдек, башорат даврининг бошида тақдим этилган 73 мингта бўш ўриндан фойдаланилиши кутилмоқда.

Башоратда келтирилган бундай ижобий натижаларга албатта, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда белгиланган устувор вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012-йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг диққат марказида туриши зарур. Ушбу дастурга биноан:

-Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди;

-Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Ишсизлик миқёсининг ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш ва ишсизларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий ҳамкорликнинг уч томонлама механизмини такомиллаштириш;
- мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида меҳнат захиралари ва иш жойлари сонининг ҳам сифат, ҳам сони жиҳатидан ўсиш мутаносиблигига эришиш;
- янги тараққий этган тармоқлар ва фаолият турларини ривожлантириш йўли билан янги иш жойларини барпо этиш. Бу тадбирларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигидан бўшаётган ходимларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига, жумладан саноат, кичик ва хусусий бизнес, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга тақсимлашга аҳамият бериш керак бўлади;

- иш билан бандликнинг тармоқ ва профессионал таркибини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида ишсизлик миқёсининг ошиб кетишини олдини олиш ва ниҳоят ялпи маҳсулотнинг кўпайиши учун замин яратади;

- иқтисодиётда оқилона иш билан бандликни таъминлаш;
- меҳнат бозорида рақобат механизмини йўлга қўйиш самарадорлигини ошириш, ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш мазкур механизмнинг асоси бўлиб ҳисобланади;

- самарали ва “эгилувчан” меҳнат бозорини шакллантириш, янги меҳнат бозори инфратузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг касбий ҳаракатчанлигини ошириш, ҳамда меҳнат бозорининг алоҳида сегментларига таъсир кўрсатиш орқали ишсизларда янги касбларга қизиқиш уйғотиш;

- меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш, жамоат ишлари тармоғини кенгайтириш, ишсизларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини ва янги иш жойларини барпо этиш;

- ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни жалб қилиш ўқув юртлари билан доимо алоқада бўлишни, ишга қабул қилишда тест ва суҳбатлашиш тизимини қўллашни, уларга нисбатан синов муддати белгилашни талаб қилади. Корхонага кадрларни жалб қилишнинг асосий манбаи турли йўналишдаги ўқув юртлари, меҳнат биржалари ҳисобланади. Ишчиларни жойлаштириш ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш меҳнат тақсимооти системасига асосланади.

Меҳнат бозорини таҳлилдан ўтказиш бўш иш жойлари ва ишсизларни, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга муҳтож бўлган аҳолининг бошқа табақаларини ҳисобга олиш асосида, ишчи кучи бозоридаги талаб ва

таклифни, аҳоли бандлигининг мавжуд ва истиқболдаги таркибини, хотин-кизлар, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа табақаларининг бандлиги даражасини таҳлилдан ўтказиш ва прогноз қилишни назарда тутди. Бунда бўш иш жойлари ва ишсизлар, шунингдек аҳолининг ҳақ тўланадиган ишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари тўғрисидаги ахборотларга асосланилади.

Аҳолининг бандлиги дастурларини ишлаб чиқиш ишчи кучи бозорини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади. Улар даражасига қараб маҳаллий, минтақавий ва миллий дастурларга бўлинади.

Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш билан боғлиқ хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан бепул кўрсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг хусусий характердаги нодавлат тузилмалари ҳам ташкил этилишига имкон бермоқда. Булар ходимларни танлаш бўйича тижорат агентликлари, ўқув юртлари ҳузуридаги муассасалар, диний идоралар ҳузуридаги ва ҳоказо муассасалардир. Меҳнат биржалари ҳам ишлаб турибди. Тажрибалар кўрсатишича, меҳнат биржалари меҳнат бозорининг тўла маънода тартибга солувчи таъсирчан воситаси бўлиб қолиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., -Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ва қарорлар тўплами., -Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
3. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Мажлисидаги маърузаси, // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
4. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, // Халқ сўзи, 22.01.2013
5. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. — Т: Ўзбекистон, 2009. — 56 б.
8. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби”. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

9. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

10. Каримов И.А. «Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш-тараққиёт омили. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 29 январ.

11. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси// 19 январь 2012 йил. WWW.LEX.UZ

12. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси» Т.: 1999.

13. И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995

14.. И.А. Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

15. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш –бизнинг бош мақсадимиздир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент: “O'qituvchi”НМИУ 2013. – 128 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни

барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

20. Махмудов Э.Х. «Корхона иқтисодиёти» Т., Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси Уюшмаси нашрети, 2004 йил.

21. Чжен В.А «Хусусийлаштириш асослари» Тошкент Ўзбекистон 1996 йил.

22. Ғуломов С.С «Маркетинг асослари» Тошкент «Шарк» 2002 йил.

23. Расулов М. Бозорни ижтимоий ташкиллаштириш. Тошкент, ТДИУ, 2004. 24. Е.Е.Ергешев. Молиявий таҳлил. Т. ТДИУ.2003.

25..А.Вахобов, А.Иброҳимов. Молиявий таҳлил. Т. Шарк. 2002.

26.М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил.Тошкент. 2001.

27.Е.Е.Ергешев. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Тошкент. 2005.

28. Котлер Ф. «Основы маркетинга» М. Прогресс, 2002 йил.

29. И.Герчикова. «Менеджмент» Москва, Банки и Биржа, 1998.

30. С.Ғуломов. «Менежмент асослари». Тошкент, 1999.

31. С.Ғуломов ва бошқалар «Мустақил Ўзбекистон» Тошкент, Тошкент Ислон Университети, 2003.

32. Инамов И. Иқтисодий тарбия назарияси, Тошкент, ТДИУ,2005.

33. С.Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, “Ўқитувчи” 2002.

34. С.Хасанов. Илм ва ахлоқ, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1977 й.

35. М.Мескон «Основы менеджмента» Москва, Дела, 1995. 47-б.

36. М.Шарифхўжаев., Ё.Абдуллаев, «Менежмент», Тошкент, Ўқитувчи, 2001 йил.

37. А.Э.Ишмухамедов ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДИУ, 2004 йил.

38. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. Тошкент, ТДИУ, 2004 йил.

Интернет маълумотлари

39. www.Rambler.ru

41. <http://www.capitul.ru>.

43. <http://www.audit-center.ru>

45. <http://www.ref.zu>

47. www.Yandex.ru

40. <http://www.harvard.edu>

42. <http://www.mb.ru>

44. <http://www.ref.ru>

46. www.Goodle.ru

48. www.Referat.ru